

АҚШда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди қурилиши бошланди



00:08 / 24.04.2022 2040

Аввал хабар берганимиздек, бир гуруҳ имом-хатибларимиз АҚШнинг Синсиннати шаҳрига етиб келдилар.

Уламоларимиз Синсиннати шаҳрида ватандошларимиз томонидан қурилиши бошланган «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидига илк тамал тошини қўйиб бердилар.

Кун давомида имом-хатиблар шаҳарда истиқомат қилувчи ҳамюртларимиз билан бир нечта учрашувлар ва Рамазон ойи тадбирларида иштирок этдилар.

Хусусан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби, «Nilol-nashr» матбаа-нашриёти раҳбари Исмоил домла Муҳаммад Содиқ АҚШнинг Огаё штатидаги Синсиннати шаҳрида яшайдиган ватандошларимиз учун илмий суҳбат қилиб бердилар.

Эслатиб ўтамиз Ўзбекистондан ташриф буюрган уламоларимизнинг АҚШдаги илмий учрашувлари 2 майгача давом этади.

Бизни кузатишда давом этинг!